Мен сизлар учун энг қўрқадиган нарса бу кичик ширкдир», дедилар. Шунда саҳобалар «Ё Расулуллоҳ, кичик ширк нима?» деб сўрашди. «У риёдир

Маҳмуд ибн Лабид разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен сизлар учун энг қўрқадиган нарса бу кичик ширкдир», дедилар. Шунда саҳобалар «Ё Расулуллоҳ, кичик ширк нима?» деб сўрашди. «У риёдир. Аллоҳ таоло қиёмат куни бандаларни қилган амалларига яраша ҳисоб-китоб қилганда: «Улар учун риё қилган кимсаларингиз олдига боринглар, қаранглар-чи, уларнинг ҳузурида бирор мукофот топармикансизлар» деб айтади», – деб жавоб бердилар»

[Ҳасан] [Аҳмад ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда умматлари учун энг қўрққан нарсалари кичик ширк риё эканини хабар бермоқдалар. Риё - одамлар кўришлиги учун амал қилиш. Сўнгра риёкорларнинг Қиёматда олажак жазолари ҳақида шундай дедилар: «Ким учун амал қилган бўлсанглар шунга боринглар, улар учун қилган ишларингиз учун сизга ажру савоб бера олармиканлар?!».

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3381